




1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

2 ноябрь, чоршанба, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда. № 215 (963)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШнинг "Дановант энтерпрайзс" компанияси раиси В. В. Дановант раҳбарлигида ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИДИНОВ ўза сурати.

Ўзбекистон Президенти "Дановант энтерпрайзс" компанияси жаҳон пахта бозорларида ортирған тажрибаси билан машҳурлигини таъкидлаб, компаниянинг "оқ олтин" етиштирувчи Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишини айтди. Жаҳон В. Дановант самимий қабул ва Ўзбекистон заминидан кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этар экан, мамлакатда ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, барқарорлик самарали ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратишини қайд

эйти. Сўхбат чоғида жаҳон пахта бозорларида биргаликда фаолият юргизиш, Ўзбекистондаги пахтани қайта ишлашчи заводларни

замонавий технологиялар билан жиҳозлашда, мутахассислар тайёрлашда, кўмаклашиш юзасидан фикрлашиб олинди. Қабул маросимда

ИНШООТ ИШГА ТУШДИ

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари ассоциацияси Андижон биокимё заводининг биринчи навбати ишга тушди. Бу завод йилга халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган бир миллион декалитр этил спирт ишлаб чиқаради.

Андижон гидролиз заводи атроф-муҳит ва сув ҳавзалари экологиясини сезиларли даражада бузаётгани ҳамда хомашени меъеридан кўп сарфлаётгани учун тўхтатилган эди. Корхона ўрнида янги маҳсулот — спирт ишлаб чиқарилган завод қурилиши бошлаб юборилди. Вилоятдаги 162-қурилиш трестининг меҳнат жамоаси бу объектни сифатли қилиб қуриб, фойдаланишга топширди. Эндидиқда улар шу корхонанинг иккинчи навбати қурилишини давом эттирмакда.

Янги биокимё заводи биринчи навбатининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди.

Сўнг И. Жўрабеков Қўргонтепа шаҳри марказида ишга тушган янги поликлиниканинг очилиш маросимидан иштирок этди. Асакадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея "ЎЗДЭУ" қўшма корхонасида амалга оширилган ишлар билан танишди.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва ўза муҳбирлари хабар қиладилар

ЎЗБЕКИСТОН

Термиз шаҳар ҳокимлиги ва атамалар комиссияси қарори билан шаҳардаги энг катта кўчага Улўбек номи берилди. Бу фалакият йилнинг султони Термизда кўп марта бўлган. Ал ҳоким АТ-Термизий қабрини зиёрат этган. Ул зотнинг мақбарасини тиклаш ва таъмирлаш, шаҳар ободончилиги, фуқаро тинчилиги ва фаровонлиги борасида гамхўрлик қилган.

ЖАҲОН

Вашингтондан олинган хабарда айтилишича, Оқ уйинг 26 туган 26 ёшли Франсиско Дюрента ноқонуний қурол сақлагани ва давлат мулкни ишдан чиқариш айби қўйлиб, унинг устидан суд бошланди. Покистоннинг йирик шаҳарларидан бири — Карачида кейинги ҳафтада сунний ва шиалар ўртасидаги тўполонлар натижасида бир неча ўнлаб киши ҳалок бўлди. Шу сабабдан ҳам кейинги тўполонларнинг олдини олиш мақсадида армия бўлиналари шаҳар кўчаларига киритилди. Шу йилнинг охиригача Вьетнам ва АҚШ пойтахтларида икки давлат алоқалари бўйича миссиялар иш бошлади. Вьетнам ташиқ ишлар вазирининг айтишича, бу миссияларнинг очилиши икки томонлама муносабатлардаги бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилишга ердан беради. Эсиниғизда бўлса, Вашингтон ўзининг Ханойдаги викалотхонасини 1954 йилда епиб қўйган эди.

ЎЗБЕКИСТОН

Республика Фанлар академиясида "Бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботи, меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқаришни тақомиллаштириш, солиқ солишдаги ўзгаришлар ва қўшимчалар" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда ҳисобчиларнинг касб маҳоратини тақомиллаштириш, ҳўжалик ҳисобидаги корхоналарда ҳисобга олиш ҳамда ҳисобот юритиш ва хоржий валютада кредит-валюта операцияларини амалга ошириш масалалари ўрнанилди.

Бобомиз Улўбекнинг 600 йиллик тўйини ўтказиш тадбирлари мақаблар ўқув йилининг бошиданоқ белгиланган бўлиб келди. Барча сифатли ўқувчилар Мухаммад Рағиб Улўбекнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир манбаларни ўрганиб, конкурслар мушоралар уюштиришди. Эндидиқда эса Улўбек юбилейини ўтказишда фаол катнашган ўқувчилар Самарқанд шаҳридаги Улўбек қадамжолари бўйлаб уюштирилган саҳнатга хозирлик қилишмоқда. Харажатларни Хайдарбек Абдурабобов номи хиссалдорлик жамоа ҳўжалиги ўз бўйига олди.

ХДПНИНГ II ҚУРУЛТОЙИ

1 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди. Унинг ишда партиянинг жойлардаги ташкилотларидан сайланган 280 делегат ҳамда меҳмонлар катнашди.

Маълумки, Халқ демократик партияси 1991 йилнинг худди шу куни туганган эди. Хозир унинг сафида 374535 нафар аъзо бор. ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолиев партия ташкил топганига 3 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг қурултой катнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тилакларини етказди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлаган сайловлар тўғрисидаги масала ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Партия кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолиевнинг ана шу ҳақдаги маърузаси тинланди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўтажақ сайловларга хоржий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар катта қизиқиб билдиришмоқда. Жаҳонда Ўзбекистон танланган ўзинг хос тараққиёт йўли, унинг истисқол куч бахш этган дадил одимлари, ривожланган ҳўкуий демократик давлат барпо этиш борасидаги муваффақияти сазй-харакатларини қўллаб-қувватловчи хайрлиқ дўстлариниз кўп. Аммо, шунинг баробарида қилаетган ишларимиз, ислохотларимиз самаралари, сиесий тузумимизнинг ноҳилис боҳалаб, четдан тош отаётган муҳолфларимиз ҳам йўқ эмас. Бўлажақ сайловларнинг муваффақияти — минтакамизда осийишталарини таъминлашга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, шарқу фарқ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистонимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шўбҳасиз. Бу эса ҳокимликлар ва бошқарув органлари, сиесий партиялар, сайлов комиссиялари, қолверса, ҳар бир сайловчи зиммасига катта масъулият юқлайди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловдаги сиесий дастурини қабул қилдилар. Республика Олий Мажлиси де татлиғига Ўзбекистон Халқ демократик партиясида кўрсатилган номзоллар рўйҳати тасдиқланди. Қурултойда партия нивомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Қурултойда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиесий Икромия қўмитасининг аъзоси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди. Қурултой ишиди Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслакатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Хамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тулаганов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони О. Орифов, Н. Зокиров ва бошқаларни авф этиш тўғрисида Маҳкумларнинг авф этиш тўғрисидаги илтимосномаларини, жамоат бирдамларининг маъзуру илтимосномаларга оид тақлифларини қўриб чиқиб ҳамда уларнинг содир этган женоятларидан пўшаймонликларини, келажакда уларнинг ҳалол меҳнатлари билан жамаиятга хизмат қилиш ҳақиқиди истакларини, шунингдек, уларнинг оғла аъзоларининг модий жиҳаддан оғир аҳволдалигини эътиборга олиб, қуйидагилар авф этилиб, жазони ўтатдан озод этилсин:  
1. Орифов Отаназар  
2. Зокиров Носир Идрисалиевич  
3. Охунов Пўлжатар Алимович  
4. Турсунов Иножон  
5. Умурақов Салават Хайруллаевич

Тошкент шаҳри, 1994 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТГА МАҚТУБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Ислам Каримов жаноби олийлари, Америка-Ўзбекистон Савдо палатасига биринчи тарихий мажлисини шу йил октябр ойида Тошкентда ўтказиш имконияти берилгани учун Америка-Ўзбекистон Савдо палатаси номидан Сизга миннатдорлик билдираман. Мажлисда иштирок этган барча америкаликлар Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг бундай юксак эътиборига сазовор бўлишни ўзлари учун катта шараф деб билдилар.

Жаҳон Президент, Сизнинг куч-гайратларингиз туфайли мамлакатимизда Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама савдо ва сармоё сарфлашни мустаҳкамлашга кўмаклашадиган шарт-шароитлар яратилгани учун шахсан ўз номидан Сизни табрикламоқчиман. Америка савдо-саноат доиралари Сизнинг сазй-харакатларингиз иждоий натижаларини тобора кўпроқ қадрлай бошлади, бунга АҚШга бўлуғуси таъширфингиз чоғида ишонч ҳўсил қилишингиз мумкин.

Америка-Ўзбекистон Савдо палатасини мунтазам қўллаб-қувватлаётганингиз ҳамда Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантиришда муҳим восита сифатида бизнинг ташкилотимизни мустаҳкамлаш йўлидаги куч-гайратларингиздан айниқса миннатдорим.

Америка-Ўзбекистон Савдо палатаси Тошкентда умий йиғилишини муваффақиятли ўтказганидан жўда қувонмоқда. Савдо палатаси ҳам Ўзбекистон, ҳам АҚШ томонидан янги аъзолар билан ўз сафларини анча тўлдирдишга эришти. Бизнинг Америка компанияларимиз Ўзбекистондаги савдо борасидаги миҳозлари билан самарали учрашувлар ўтказиб, бир қанча муҳим битимлар ва протоколлар имзоладди.

Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги амалий муносабатлар янада ривожланади ва яхшиланади, деб умид қиламиз. Самимий ҳўрмат билан,  
Николас М. НИКАЗМЕРАД,  
Америка-Ўзбекистон Савдо палатасининг президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Ислам Каримов жаноби олийлари! 1994 йил 3 октябрдан 16 октябргача Япониянинг Хиросима шаҳрида Осие ўйинлари бўлиб ўтди ва Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг ажойиб ютуқлари япон халқида чуқур таассурот қолдирди. Мамлакатингиз командасининг улкан ютуқлари муносабати билан табригимизни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Республикаси Осие ўйинларида илк бор иштирок этишига қарамай, 40 та медалини қўлга киритди. Бу улкан ютуқ мамлакатингизнинг кучлари ва катта имкониятларининг далилидир.

Мамлакатингиз ўйинларида иштирок этгани ва аъло натижаларга эришганидан мен жўд бахтлиман. Ўзбекистон спортчиларининг натижалари телвизион кўрсатувлари ва газеталарда еришилдики, бу ҳам Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги яхши муносабатларини мустаҳкамлашга қўшилган ҳиссадир.

Сизга самимий ҳўрмат билан,  
Таъдо ЧИНО,  
Япония қишлоқ, ўрмон ва билиқ ҳўжалиги молия корпорацияси бошқарувчисининг ўринбосари.

ОНА ТИЛИМИЗ — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тилшунослик институтида давлат тили тўғрисидаги қоғоннинг ҳаётта таътиб этилиши ва ўзбек аътавуднослиғи масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Анжуманда турли соҳа ишчилари, институт илмий ходимлари, адиблар, тарихчилар, давлат тили комиссиясининг аъзолари иштирок этди. Сўзга чиққанлар давлат тили ҳақидаги қоғон ва унинг икроси, терминлар яратишни илмий асослари, тиббий терминларни тартибга солиш, давлат тилида иш юритишининг ағона тинимини яратиш, ҳўкуққа онд атамалар ва уллардаги ҳар хилликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ЮРТИМИЗ САМОЛЁТЛАРИ "ФАРНБОРО-94"ДА

Англияда бўлиб ўтган "Фарнборо-94" халқаро авиокомсиқ кўргазмасида Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирламимизда тайёрланган маҳсулотлар ҳам намойиш этилди. Фарнборо кўргазмаси ҳам Франциянинг Ле-Бурже шаҳрида ташкил этилган машҳур авиация саломи каби анча юқори мақевта эди. Ҳар йили ўтказиладиган бу кўргазмада дунёнинг энг йирик авиация ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этади.

Бу йилги кўргазманинг ўзинг хос томони шундан иборат бўлдики, унда мустақил мамлакатимиз байроғи қиллиради ва авиасозлик устакхоналарида тайёрланган кумуш қанотлар намойиш қилинди. Кўргазмада дунё миқесида аллақачон эътироф этилган АҚШ, Англия, Франция каби мамлакатлар саноатида ишлаб чиқарилган энг сўғги авиация техникалари намойиш қилинди. Хусусан, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари таркибиди парвоз қилаетган "Локхий Ф-16 Фалкон", "Локхий П-38" реактивлари, "С-17 А" оғир транспорт самолётлари, турли русумдаги тўла асқаланган жангвор вертолётлар жўда юқори баҳо олди. Англия самолётсозлари яратган тик қўтарилувчи қирувчи самолётлар, французлар тавсия қилган "Мираж-2000" қирувчи-бомбардимончи, шунингдек, кенг фюзелажли пассажир самолётлари ҳам кўпчилигининг диққатини тортди. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирламимаси бош конструкторининг ўринбосари В. Влознок-дег мазлум қилинича, бизнинг делегациямиз аъзолари кўргазма павильонларида намойиш қилинган, дуненинг энг йирик компания ва фирмаларида тайёрланган ҳаво лайнерлари билан батафсил танишувлар, баъзи зарур маълумотлар тўплашлар ҳамда ишлаб чиқаришни сўғги

ЛОЙИХА АМАЛГА ОШМОҚДА

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Ясавий номи жамоа ҳўжалигида томчилатиб суғориб сазавот етиштириш лойиҳаси ва унинг дастлабки амалий натижалари билан таништириш маросими бўлди. Лойиҳа уш шароитларни таъминлаш маълум қилди. Лойиҳа Исроилининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Исроил Ташки ишлар вазирлиғи кузурндаги "Машав" халқаро маркази ҳамда Америка халқаро тараққиёт агентлиғи ердимида амалга оширилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш давомиди олинган материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун Ўзбекистон ҳўжаликларига тарқатилади.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Ҳаким САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ПАХТА ХИРМОНИ СЎЛМОҒИ — ЮРТ РАВНАҚИ

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Бургутали РАПИҒАЛИЕВ Наманган вилояти ҳокими



Теримда 185 мингдан зиёд киши иштирок этди, минглаб шахарлик хашарчи бободохонга ердამга отланди. Ана шу ҳамжихатлик, уюшқоқлик ўз самарасини берди. Мустақил юртимизнинг "оқ олтин" хирмониغا 280 минг тоннадан зиёд қимматли саноат хом ашёси етказилди. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди ва унинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Поп туманлари меҳнатқашлари муносиб ҳисса кўшдилар. Бу туманлар хўжалиқларида ҳар гектар ердан 38-45 центнерга етказиб хирмон кўтарилди. Дехқончиликка илмий асосда ендашиш, илгорлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш, чигитни ўғит солинган пушталарга экиб, тўла гектар ҳосил қилинган, қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашда биологик усуллардан фойдаланилгани ўз самарасини берди.

Бошқаришнинг иқтисодий усулларига ўтиш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашдаги янгиликлар айниқса ижара, оила пудратларидан фойдаланиш яхши натижалар берди. Дехқонларга тўла мустақиллик берилгани биз тўғри йўлдан бораётганлигини тасдиқлади. Қўлда терилган бир килограмм пахта учун 40 тингдан ҳақ тўлангани туфайли йигим-терим мавсумида кўпминг килограммчилар ҳаракати оммавий тус олди. Натижадан ўрлаб теримчилар мавсумда 8-12 тоннадан пахта теришди.

НАМАНГАН

тайёрлаш режалари орғиги билан бажарилди. Халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил 135 минг тонна галла етиштирилиб 62 минг тонна сунгават давлатга сотилди. Келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин яратилди. Ана шу мақсадда 52 минг гектарга галла экилиб, барча майдонларда тўла ундириб олинди.


БУХОРО



Бухоро районидоги Усмон Юсуфов номи жамоа хўжалигининг Ҳожикўрбон Облоқулов бошлиқ бригадаси меҳнат аҳли бу йил 90 гектар майдонда деҳқончилик қилиб ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтарилди. СУРАТДА: теримчи Раҳима Ражабова. Ҳозирча у 5 тоннадан зиёд пахта терди.

ЗАФАРГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАДИ

Республикамизнинг "оқ олтин" хирмониغا Бухоро вилояти пахтакорлари салмоқли ҳисса қўймоқдалар. Улар 108 минг гектар пахта майдондан 350 минг тоннадан зиёд хирмон кўтариб, йиллик режани пенкадамлар қатори бажардилар. Ҳар гектар ердан олтин ҳосил 32,4 центнердан ошди. Мухбиримиз вилоят ҳокимининг муовини Ғ. БОТИРОВА бир неча саволлар билан мураккаб қилди.




Бухоро вилояти Гиждувон пахта тозалаш заводининг пахта намлиги ва тозаланиш ҳўжалиги механизатори С. Раҳматов, аниқлаш лабораторияси хўжалиги ўзининг лаборатория ходими Ф. Нуриев, Н. Бўринов ва устаси. Улар пахтакорлар меҳнатининг қўйрига лаборатория мудири С. Ҳамидовлар. Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

БИЗ ҲАМ ХИЗМАТДА БЎЛДИК

8 та кўчма дўконимиз билан пахтакорлар, хашарчилар хизматда бўлди. Пахта мавсуми бошлангандан буён то ҳозиргача деҳқонларимизга 20 тонна кир совун олиб келиб тарқатдик. Режадан ташқари 150 тонна груч ҳам сотилди. Нон маҳсулотлари ташувчи учта кўчма дўконларимиз доим даладагиларга хизмат қилди.

САККИЗ КУНДА

Биз ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда йиғиштириб олдик. Техникага таъинган ҳолда иш юритганимиз туфайли бригадамизда йиллик режа 8 иш кунда бажарилди. Биринчи теримдак 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Шу кунларда ҳосилдорликни 40 центнердан ошириш учун ҳаракат қилаёلمиз.



Тўхтасин ЖАҲОНОВ, Норин туманидаги "Топшек" жамоа хўжалиги механизатори

ЭНДИ ҒАЛЛА ЭКАМИЗ

Когон туманидаги Баҳоуддин Наҳшбанд номи жамоа хўжалигидан 3 гектар майдонни ижарага олиб, йил бошидан оила аъзоларимиз билан тиним билмай ишладик. Меҳнатимиз зойе кетмади. Ҳар гектар майдондан 41 центнердан ҳосил кўтариб, маррадан ўзиб кетдик. Режани бажарганимизга ҳам қарийб бир ой бўлди. Бугунги кунда ҳосилдорлик 60 центнердан ошди. Энди бу майдонга галла экимоқчиман.

Турсун ШАБОНОВ, оилавий ижара бошлиғи

ҚОРАКЎЛНИНГ КАТТА ҚАРВОНИ

Қоракўл тумани даладаридан 37400 тонна "оқ олтин" йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 34 центнерга етди. Туман пахтакорлари 40 минг тонналик маррани эгаллашни мақсад қилиб қўйганлар. Туман меҳнат аҳлининг бўлган ишончи муваффақиятлар омили бўлди. Аҳолини ижтимоий Ҳимоялашга асосий эътибор қаратилганлиги, энг муҳими республика раҳбарияти халққа қайишгаётганлиги одамларни янада унумли меҳнат қилишга ундамоқда.



Жондор туманининг "Бухоро" жамоа хўжалиги бу йил мавсумда давлатга 3650 тонна пахта сотди. Улар яна 680 тонна "Оқ олтин" йиғиштириб олишга аҳд қилганлар. Шунда хўжаликда уюлган хирмон 4300 тоннага етади. СУРАТДА: хўжалик раиси Назар Рўзиев ва бригада бошлиғи Остон Жўраев илгор теримчилар Гулсара Жўраева, Феруза Сайфуллаева ва Ишорат Қулиевалар билан. Х. ҚУРБОН олган сурат.

УМУМИЙ ХИРМОНДА УЛУШИМИЗ БОР

Биз маданият ходимлари ҳам баёли кудрат пахта йигим-теримда қатнашиб, пахтакорлар учун олдидан тайёрлаб қўйган концерт дастурини намойиш этдик. Вилоят маданият бошқармаси тасарруфидоги вилоят маданият саройи, Наманган шаҳар маданият бўлими, халқ ижоди ва маданият маркази услубий маркази ҳамда А. Навоий номи вилоят мусқали ва комедия театрининг танқиди санъаткорларидан иборат тўртта агитбригада гуруҳи ташкил этилди. Бундан ташқари, республика Мазнавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ташвиқот гуруҳи билан шор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Х. Саъдулла, олимлар А. Абдуллаев, А. Азизов пахта далаларида бўлиб, хашарчи ва деҳқонлар билан учрашувлар ўтказдилар. Уларга маданий хизмат кўрсатиш билан бирга ижтимоий-сиёсий янгиликлар билан таништириб бордилар.



П. АКБАРОВ олган сурат.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Ҳар бир қарич ер ҳисобда. Ҳосилдорликни йилдан-йилга ошириб бориш чораларини кўраймиз. Бу йил ҳам эрта баҳорда 7246 гектар ерга чигит қадаб, 33 центнердан хирмон кўтардик, давлатга 23700 тоннадан зиёд "оқ олтин" топширдик. "Зарбдор", "Навбахор", "Ижодкор" К. Солнев номи жамоа хўжалиқларида ҳосилдорлик 36-40 центнерга етди. Пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам меҳнатга яраша бўлмади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда пахтачиларнинг ўзидан олинмайдиган даромад 56 млн. сўм бўлади. Далада ишловчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 6447 сўмга тўғри келади. Айрим жамоа хўжалиқларида бундан ҳам юқори натижага эришилди. Масалан: "Зарбдор" жамоа хўжалиғида ҳар бир ишловчига йиллик иш ҳақи 6900 сўмдан тўғри келади. Умуман, туман бўйича етиштирилган ҳосилнинг 33 фоизи ва пландан ташқари ҳосил 10140 тонна бўлиб, ундан олинган даромад ўрта ҳисобда 34 млн. сўмдан зиёддир. Дехқончиликдан келган бу даромад қишлоқларимизни ободонлаштириш, маданий ва маънавий хизмат турларини қўлайтиришга сарфланган. Бугунги кунда туманимизда газлашмаган 2 та қишлоқ қолган ҳолос. Шу йил охиригача бу ердиги хонадонларга ҳам, "зангори олов" кириб боради ва туманимиз тўла газлаштирилади. Шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам келгуси йил ҳал этилади. Биз асосий диққат эътиборимизни олинган фойда ҳисобига қишлоқларимизни саноатлаштириш, кичик-кичик корхоналар барпо этишга қаратамиз. Иқмониятларимизни ҳисоблаб кўриб, давлатга яна 2328 тонна "оқ олтин" етказиб бериб, ҳосилдорликни 36 центнерга, ялпи хирмони 26 минг тоннага етказишга аҳд қилдик. Т. ЙЎЛДОШЕВ, Наманган туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича муовини.

О. АБДУЛҲАЕВА, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғининг муовини.



"Халқ сўзи"нинг сиртқи мактаби

ЯНГИ АЛИФБО ВА ИМЛО: БИРИНЧИ САБОҚ

Маълумки, 1993 йил 2 сентябрда "Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

сиртқи мактабини очишга қарор қилди.

Дарсларни Ўзбекистон ФА Тилшунослик институтининг катта илмий ходими Сорохон Отамирзаева ҳамда Низомий номидаги ТДПИ доценти Мухаррамхон Юсупова олиб бордилар.

Дарслар газетанинг ҳар жума сонида эълон қилиб борилади.

алифбе яратди. Гарчи бу алифбе ҳаётда татбиқ қилинмаган бўлса ҳам, унинг вужудга келиши ва алифбени тилга мувофиқлаштириш гўясининг туғилиши катта ижобий ҳодиса ва зўр журъат эди.

1922 йилда Халқ Маорифи Комиссарлиги томонидан бу ёзув (араб ёзуви) иккинчи марта ислоҳ қилиниб, ўзбек тилига мослаштирилди. 1929 йилда лотин ёзувиге ўтилди. Бу ҳол кирилл ёзувиге ўтишнинг босқичи эди.

ўзига хос (рус тилида эквиваленти бўлмаган) фонемалар акс этмаган эди. Улар диакритик белгилар билан (белбоғ, кош, дум каби, еки икки ҳарфнинг бирикмаси орқали (нг), икки фонема учун бир ҳарф (ж) ёзиш билан ифодаланган эди.

оширишдаги саъй-ҳаракатлар мустақиллигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшапти. Ёзувимишни ўзбек тилига мослаш мақсадида 1993 йил 2 сентябрь кунини Ўзбекистон Олий Кенгашининг 13-сессиясида лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси миллий ёзувимиш тарзида қабул қилинди.



Матлуба Насриддинова Андижон тикуччилик фабрикасида келиб иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин у шу қисқа даврда бинойидек ҳев бўлди.

"ХАЛҚ СЎЗИ" ГАЗЕТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Салиқ идоралари ходимлари республикамизнинг турли туманларида ўтказган текширувлар ёнлиги таъминоти соҳасидаги қонбузарликларга халқ чек қўйилмаганидан далолат бермоқда.

Table with columns for Latin and Cyrillic alphabets, showing letter correspondences and examples.

Сабоқни алифбо тартиби бўйича эмас, балки унли ҳарфлар ва уларнинг имоасинини ўрганишдан бошлаймиз. Бу Сизларнинг янги имло бўйича кўникма ҳосил қилиши-нгизда қўлай бўлади.

муҳташам бир бино деб тасаввур қилсак, товуш унинг фишлари ва тошларидир. Товушларнинг ёзувдаги белгилари ҳарфлардир.

Бу ҳолат лаб ундошлари ҳисобланган b, m, f ундошларидан олдин еки кейин келганда ҳам кузатилади.

Mustaqil organiz uchun matn: O'zbekiston Respublikasining Davlat madhiyasi

А а (А а) ҳарфи лабланмаган, қуйи кенг, олд қатор унли товушини ифодалайди, унинг нутқда қўлланиш маротабаси жуда кўп.

1. Қуйидаги сўз ва мақолларни ўқинг: Avj, ayb, arz, aks, asl, asr, aft, sar, xalq, baxt, vaqt, asar, avval, alla, araf, dastlab, davra, azamat, aylana, Maysara, allaqanday, allanarsa, ahamiyat, ayama, yasha, Maryam, nasha, had ya, atama, arava, a'zo, baland, barvaqt, bahs.

Naqmat: Oltin bu vodiylar - jon O'zbekiston, Ajdodlar mardona ruhi senga yor!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БОШҚА ТУЗИЛМАЛАРДА ОМОНАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

- List of banks and services: 1. Ўзбекистон Республикаси Акционерлик тижорат саноат-қурилиш банки "Ўзсаноатқурилишбанк" ва бу банкининг 64 та бўлимида.

Алматидаги "УРКЕР-КОСМЕТИК" фабрикаси Ўзбекистон Республикасида фабрика манфаатларини намоён этиш учун савдо агентларига юқори ҳақ тўланадиган иш таклиф этади, ҳамда крем ва шампуларни улуғржи сотади.

"ЭНТУЗИАСТ" Хўжалик ҳисобидан ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги юмушларни тез ва арзон бажариб беради: бизнес-марказлар, идоралар, шахсий уйлар ҳамда фуқаролар ва саноат қурилишига оид бошқа ишюмушларни қуриш ва тубдан таъмирлаш лойиҳа-қиймат ҳужжатларини тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги Ўзбекистон Патент идораси барча корхона ва ташкилот раҳбарларига, ҳамда бошқа юридик ва jismoniy шахсларга патент биллими олиш мақсадида таълим қилади.

Жамғарма Банки Дирекцияси ОМОНАТ ДАФТАРСИНИ КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН МУДДАТЛИ ОМОНАТ — БУ СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГIZНИНГ ТЎХТИДИР



• Пиру бадавлатларимиз

Ўзларининг гиник истеодлари, тақдорларини мақоратлари билан эаоз топган, санъатимиз бустониди ўз ижод гулдастаси билан бўй таратиб турган сахна устаси, Ўзбекистон халқ артисти Манзура ҲАМИДОВА 80 йиллик умр тўйини, 60 йиллик эрмекул ўхш шодёнасини ишонлапти.

— Ая, аввало, табаррук ешингиз билан муборақбод этамиз. 100 ешингизда ҳам бутунгидек қадрон саҳнангизни тарқ этамиз.

— Раҳмат. Куч-қувватим борича, ўша кунларга эсон-омон етказса, юз ешимда ҳам халқимга хизмат қилсам дейман.

— Санъатга кириб келишингиз ҳақида гапирсангиз...

— Тошкентда косиб оиласида дунёга келдим. Акаларим санъатга қизиқардилар. Бирлари най, бирлари дутор чалишарди. Еттинчи синфдан сўнг ФЗУни битириб, босмахолада ҳарф терувчи бўлиб ишлаб бошладим. Ишлаш билан бирга, драмтуғаракка қатнашардим. 1934 йили ишчилар театри (ГРАМ) режиссери Афандихон Исmoilов мени актрисаликка тақлиф қилдилар. Шундан кейин ҳаётимни профессионал санъатга бағишладим. 1936 йилда Термиз шаҳрида бордим ва Сурхондарё вилоят музыкали-драма театрида ишлаш бошладим. "Фарҳод ва Ширин"да Меҳдинбону, "Майсаранинг иши"да

— Сиз телевидение билан ҳам ҳамкорлик қиласиз. Кўпгина телеспектаклларда иштирок этгансиз. "Оталар сўзи" ақлнинг кўзи" кўрсатувининг деярли ҳар бир сониди она сиймосини сиз гавдалантирасиз.

ЎЗИМИЗНИНГ АЯМИЗ



Майсара, "Номус ва муҳаббат"да Онахон, "Гулсара"да Ойсара ролларини ижро этдим. 1940—1943 йиллари эса Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыкали драма ва комедия театрида ишладим. 1943 йилдан буён Йўлдош Охунбойбоев номидаги Еш томошабинлар театрида ишлаб келяман.

қилади. У киши актёрлар билан сидқидилдан меҳнат қилади, кўрсатувининг оммалашувида ҳиссаси катта. Томошабинлар меҳнатсеварлик, камтарлик, катталарга ҳурмат, етимларга мурувват қилиш руҳидаги кўрсатув-

Жўрабоев, Ҳабиб Абдуллаев, Муҳаббат Муҳиддинова, Исmoil Абдуллаевларини ўз шоғирларим деб фахр билан тилга олам.

— Юқорида таъкидлаганимиздек, томошабинлар Сизни она сиймосида кўргандлар. Кўпини кўрган она сифатида еш келинчақларга нима деб маслаҳат берган буларнингиз?

— Уларга "Қайнана келин қарқара келин, қайнана келин масхара келин", деган халқ мақолини едда тутишларини, келин тушган уйнинг файзи ўзгача бўлишини таъкидлардим.

— Қайналарга-чи? — Халқ орасида шундай гап бор: "Қайна — катта бир оиланинг "генерали", Улар "Қайна қайнамаса, келин айнимайди" гапира амад қилсалар, ўзга бир хонадондан уйлариға келин бўлиб тушган қиз уларнинг ҳурмати жойига қўйишиға ишончим комил.

— Мазмуни сўҳбатингиз учун раҳмат. 12 февара, 9 эварагингизнинг тўю томошаларида ҳам эл ардоғида бўлиб, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзланамиз.

"Халқ сўзи" мухбири, Лобар КўҶҚОРОВА сўҳбатлашди.

• ФУТБОЛ

СОВРИНЛАР УЧУН КУРАШ КЕСКИНЛАШДИ

"ПАХТАКОР": П.Бугало, М.Алиев, М.Отжонов, У.Рўзимов, Н.Ширшов, (А.Хошимов), И.Шарипов, А.Амамунов, Т.Тимошев (А.Маъруфалиев), С.Моргулис, Ш.Максудов, Д.Назаров, (С.Ходиев)

"НЕФТЧИ": Н.Осмонов, А.Микляев, А.Федоров, Э.Момотов, А.Тихонов, А.Дўрмонов, С.Атоян, С.Лебедев, (Д.Ивангородский), Р.Бозоров, С.Завальнюк, (Р.Дўрмонов), Н.Куттибоев.



Нетьматилло Куттибоев бўлди. Учрашув 1:1 натижа билан тутди.

Чемпионатда чемпион хужумдан кўра кўпроқ ўз дарвозасининг дахисизлигини сақлашга ҳаракат қилди. Мезбонларнинг эса меҳмонлар ҳимоя чизигини ериб ўтишга бўлган ҳаракатлари самара бермади. Аксарият ҳужумларда тошкентлик футболчилар ўйиндан ташқари ҳолатга тушиб қолишди. Фақатгина биринчи бўлим охирида Николай Ширшовнинг чап қанотдан ериб кириб, тўпни жарима майдонига узатиши дарвозанинг ишғол қилиниши билан аяқланди. Тўпни Сергей Лебедев ўз дарвозасига йўллади. Қизғин шундаки, буанд олдинги ўйинда ҳам Николай Ширшовнинг чап қанотдан кучли зарб билан рақиб жарима майдонига узатган тўпни "Наврўз" жамоасининг ҳимоячиси Шоимкулов ўз дарвозасига киритган эди. Бу сафар ҳам айнан шундай вазиятда фаргоналиклар ярим ҳимоячиси хатоликка йўл қўйди.

Иккинчи бўлим, табиий, чемпионнинг хужумлари билан бошланди. Дастлабки уринишдаёқ фаргоналиклар "Пахтакор" дарвозасини ишғол қилишди. Тўп муаллифи

Расул ЖУМАЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ "МАТОНАТ" ВА "БАЙНАЛМИЛАЛ" ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон терма жамоаси Осиё ўйинларида голиб чиқиб, жаҳон майдони сари дастлабки дадил қадами ташлаган бўлса, Тошкентнинг "Матонат" ва "Байналмилал" клуби эса аллақачон дунёда ном қозониб улгурган. Мухлислар "Матонат"нинг беш қарра жаҳон кубоғи соҳиби бўлган англияликларини, уч марта жаҳон чемпиони сальвадорликларини мағлубиятга учратганлигини ҳали унутганларича йўқ. 8-11 ноябрь кунлари ана шу дунёда машҳур жамоа пойтахтимизда ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Юртимизга Киевнинг "Афрон", Кемеровонинг "Кузбасс", Москванинг "Спартак", "Минкос", Владикавказнинг "Ирстон", Барнаулниг "Инвэскоспорт", Ижевскнинг "Зенит" жамоалари "Меҳр-шафқат-94" кубоғи мусобақасида қатнашиш учун келишди. Юртимиз шарафини бу сафар халқаро тажрибага эга "Матонат" йигитлари билан бирга "Байналмилал" жамоаси ҳам ҳимоя қилади. Яқинда пойтахтимизда ана шунга ўхшаш турнир аяқланди. Эшитиш ва гапиршидан маҳрум бўлганлар ўртасида ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида ҳамюртларимиз туркистонликларини 1:0, қозғистонликларини 4:3, қирғизистонликларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, халқаро турнир голибга бўлишди. Қирғизистонликлар иккинчи ўринни эгаллашди. Турнирда "Меҳр-шафқат, саломатлик ва спорт" жамғармаси ҳомийлик қилди.

Р. ЭРМУҲАММАД, "Халқ сўзи" мухбири.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• Ният ҳолис бўлса... ҲАСАН, ХУСАН ВА ТОҲИР...

Ҳамза туман ИИБ жиноий кидирув бўлимасининг катта кидирувчиси, милиция майори, икки дилдор қиз — Ирода ва Азизаларнинг меҳрибон отаси Бахтиёр Эркаев эрта кеч: "Менга ҳам худо ўғил ато этса" деб орзу қилиб келарди. Ният ҳолис бўлса унинг амалга ошиши яна бир қарра исботланди. Аллоҳ тинчлик посбонига бир эмас, биратўла уч фарзандни "лойиқ" кўрди. Суюниб кетган Бахтиёр Эркаев ўғилларига — Ҳасан, Хусан ва Тоҳир деб ном қўйди.

Бугунги кунда бу кичик уч ога-ини баҳодирлар оналари — 27 ёшли Муҳайёхон бағрида соғ-саломат ўлғаймоқда. Н. ҲАМРОЕВ.

Диққат! Юқори Босимли Асосий Газ Қувури! Сизнинг туманингиз ҳудудида умумдавлат аҳамиятига молик қимматбаҳо иншоот — асосий газ қувури трассаси ўтади. Газ қувури — портлаш ва ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи юксак хавф-хатар манбаидир. Муҳофаза минтақасида ишларни олиб бериш қоидаларига риоя қилиш Сизнинг хавфсизлигингиз гаровидир.

Асосий газ қувурлари ва электр узатиш линиялари ўтадиган жойларда, улар яқинида йўллар куриш, кабель, сув қувурлари ва бошқа ер ости, ер усти ва юзасидаги коммуникацияларни ўтказиш "Ўзбектрансгаз" асосий газ қувурлари бошқармаси (Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31а-уй. Телефон: 56-38-07) билан келишилган ҳолда ва ана шу бошқарма томонидан берилган техникавий шартларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Асосий газ қувурлари яқинида ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ! Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўзбек халқининг қадимий байрами - Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун очиқ танлов эълон қилади. Танлов шартлари: тавсия қилинадиган сценарийларда муаллиф Наврўз байрамининг тарихий аънаналарини, қадимий халқ ўйинларини, термалари, қўшиқлари ва фольклор, этнографик манбалардан унумли фойдаланиб, республикада бу байрамни ўтказишда оммалашаётган тажрибалар ва халқимизнинг орзу-истакларини, пойтахтимиз ёки турли вилоятларда байрам ўтказиладиган майдон ва сайилгоҳларини ҳисобга олган бўлмоғи лозим.

Танловга истак-ҳоҳиши бўлган Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қатнашиши мумкин. Танлов муддати: шу йилнинг 30 декабринангача, Танловдан мақсад: Наврўз байрами аънаналарининг янги қирраларини очиш, мазмунан ва шаклан бойитиб, амалда тadbик этиш. Танлов голиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

1 ўрин - йигирма беш минг сўм. 2 ўрин - ўн беш минг сўм. 3 ўрин - ўн минг сўм.

Байрам сценарийси бир ярим соатга мўлжалланиши ва машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, 25-30 саҳифадан ошмаслиги лозим. Муаллиф ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга. Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамкорликда қатнашишлари мумкин. Сценарий қўлёзмалари таҳлил қилинмади ва қайтарилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифи, касби, иш ва турар жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим: 700129 Тошкент шаҳар, Навой кўчаси - 30 уй, 3-қават, 6 хона, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тел: 44-63-73.

НАЗМ ВА НАВО КЕЧАСИ

Ҳар бир давр ўз қўшиқчиларини яратди. Қўшиқлар эса жамиятнинг қайфиятини ифодалади. Зеро, сўз мулкнинг султони, улуғ бобоқонимиз Алишер Навоийнинг "Навозанда илтифат навоҳили бўл" деган порлоқ тилаги йиллар силсиласи оша ижобат бўлиб келмоқда.

Шоир Нормурод Нарзуллаев (Нарзій) га ҳам хонадонларинизга, неки хонадонларинизга, балки қалбларинизга қўшиқ бўлиб киришдек нодир бахт nasib этган. Унинг севги ва садоқати, ватанга муҳаббат, меҳр-оқибатни тараннум этувчи 500 дан зиёд шеърлари қўшиқ бўлиб янграмоқда. Уларни бошловчи хаваскорлардан тортиб, мумтоз мусиқамиз намояндаларига чак шавк билан қуйлашмоқда.

Пойтахтимиздаги Ҳамза номли театрда шоир Нормурод Нарзуллаев таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган назм ва наво кечасида ана шу ҳақиқатлар яна бир марта эсланди. Муҳташам қонадада тўлган ижодкорлар, шоирнинг дўстлари ва яқинлари, мухлисари дил сўзларини изҳор этдилар, миллий аънаналаримизга мувофиқ юбиларга ўз ҳурматларини билдирдилар. Ижодий уюшмаларнинг



мухлисари дил сўзларини изҳор этдилар, миллий аънаналаримизга мувофиқ юбиларга ўз ҳурматларини билдирдилар. Ижодий уюшмаларнинг

раҳбарлари, бастакор Рустам Абдуллаев Нарзійнинг ўзбек адабиети ва қўшиқчилиги ривожига қўшган салмоқли ҳиссасини таъкидлаб ўтидилар. Бухоро ва Сурхондарёдан таширф бу юрган меҳмонлар вилоятлардаги мухлислар қалб эътирфини етказдилар. Дўстлар, мухлислар ҳам сўз олиб, шоирнинг ўзига ҳам беазир ижоди, инсоний фазилатлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирдилар. Кечада дил сўзлари куй-қўш, ха, наво эса шеърятга улашиб кетди. Хизмат кўрсатган "Ялла" ансамбли қатнашчилари, Гуломжон Екубов, Нуриддин Ҳамроқулов, Қобижон Юсулов каби эл ардоқларини санаткорлар ва бошқа мухлислар назарига тушган ҳушовоз қонаклар ижросидаги қўшиқлар шоир Нормурод Нарзуллаев ижодининг ўзига ҳам намойиш бўлди.

Шоир иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор этар экан, янги ёшан шеърларини ўқиб берди. Кеча ўзига ҳам назм ва наво байрамга айланди.

Ҳ. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЖАЗОИРГА БАҒИШЛАБ

Республика Киночилар уйида Жазоир халқ инқилобнинг 40 йиллигига бағишлаб Жазоир кино кунлари ўтказилди. Республика кинематографчилар уюшмаси Жазоирнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчионаси билан ҳамкорликда уюштирган бу тадбирда жазоирлик кино усталари яратган "Шайх Буамма жасорати" ҳамда "Жазоир учун жанг" фильмлари намойиш этилди. Мазкур киносаҳналарда Жазоир халқининг ўн тўққизинчи асрининг охириларидаги эрк учун кураши ҳамда 1954 йил 1 ноябрда бошланган халқ озодлик ҳаракати воқеалари акс эттирилган.

Кино кунларининг очилишида Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулдада ва мухтор элчиси жаноб Бенамер Моҳанд Ахли иштирок этди.

ҲАМЛАК ВА ҚОРҚОНА РАҲБАРЛАРИ

Андижон "Вилқиниҳўжтаъминоттузатиш" бирлашмаси таъмирлаш қорқоналари қуйидаги махсулотларини ишлаб чиқаради:

- 1. К-45/30 типидеги сув насослар.
2. 50; 80; 100 мм беркитиб оцадиган қурилма (задвичка) чўяндан қилинади.
3. МУС-0,5 минерал ўғитларни сепачлар.

Тайёрлаб бериш юзасидан буюртмаларингизни қабул қилдимиз. Ҳақ тўлаш буюртмачилар учун энг мақбул усулда амалга оширилади, яъни банк орқали маблағ ўтказиш, магазин орқали нақд пул тўлаш, санаот ва қишлоқ хўжалик махсулотларига айирбошланиш мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Андижон шаҳри, Бобур Шоҳ кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 5-32-30, 5-40-72, 5-44-93

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бож Бошқармаси ўрта, кичик ва оддий ҳодимлар таркибидеги бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

Ушбу танловда 18 дан 30 ёшгача бўлган Республикамыз фуқаролари, харбий хизматни ўтаб келганлар ва Қуролли Кучлар захирасидаги зобитлар қатнашиши мумкин.

Номзодлар олий, ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ҳуқуқшунос, педагог, алоқачи ва компьютерлар билан тиллаша оладиган, турли вазиятларда дуч келган қийинчиликларга сабр-бардошли, жисмонан бақувват, психологик ва жисмоний қийинчиликларга бардош берувчи, бўйи 1 метр 70 сантиметрдан паст бўлмаган, яшаш ва меҳнат жамоасидан ижобий тавсифномага эга бўлган, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай, Тошкент туманларида уй-жой билан таъминланган бўлишлари шарт.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Содик Азимов кўчаси, 87-уй. ИИББ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ёки яшаш жойи бўйича туман ички ишлар бошқармасига ёки бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Халқ сўзи. Народное слово. Phone: 1244, 71326. Address: Ruykhatdan ʻtish tartibi №0001.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош мухәррир: Анвар ЖўРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодийет 32-36-65; Маънавият 32-36-60; Ахборот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матвотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Г. Шермухаммад.